

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ

ДИНШУНОСЛИК

(34 соат)

фанидан

**академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун
ўқув дастури**

Тошкент-2010

Ушбу дастур Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 9 октябрдаги 2-сонли йиғилиш баёни қарорига мувофиқ, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 21 октябрдаги 396 -сонли буйруғи билан тасдиқланди ва амалиётга жорий этилди.

Тузувчилар:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор
Н.Муҳамедов – тарих фанлари номзоди, доцент

Такризчилар:

С.Абдуллаев – фалсафа фанлари номзоди, доцент
М.Комилов – тарих фанлари номзоди, доцент

Дастурни оптималлаштиришда иштирок этган ишчи гуруҳи аъзолари:

- | | |
|------------------|--|
| 1. Д. Раҳимжонов | Тошкент ислом университети “Исломшунослик” кафедраси мудир, т.ф.н., доц. |
| 2. А. Ҳасанов | Тошкент ислом университети профессори, т.ф.д. |
| 3. М. Артиков | Ўз.МУ “Маънавият ва диншунослик асослари” кафедраси доценти, фал.ф.н. |
| 4. Ж.Нажмиддинов | Тошкент ислом университети “Диншунослик ва жаҳон динларини қиёсий ўрганиш ЮНЕСКО” кафедраси ўқитувчиси |
| 5. А.Казакбаев | ТИУ қошидаги Академик лицей директори |
| 6. Б. Рўзалиев | ТИУ қошидаги Академик лицей “Диншунослик асослари” фани ўқитувчиси |

Нашрга тайёрлади:

Н.Чиниқулов – Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

“Диншунослик асослари” фанидан академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари учун давлат таълим стандарти

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури замонавий таълим технологияларини яратишга имконият бермоқда. Айниқса, бу борада Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига ўқув жараёнига янги Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур ўқув дастури Тошкент ислом университети қошидаги Академик лицейда ишлаб чиқилган. Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари амалдагисидан кўра бир қанча такомиллаштирилган бўлиб, узлуксиз таълим тизими қоидаларига мос равишда тузилган.

Тушунтириш хати

Юртимизда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришда миллий кадриятлар билан бир қаторда диний кадриятларнинг ҳам аҳамияти катта. Халқимиз диний саводхонлигини ошириш, айниқса, ёшларимизни буюк аجدодларимиз меросидан баҳраманд бўлиши, ислом динининг инсонпарварлик фалсафаси ва эзгу ғоялари ёшлар қалбидан жой олиши учун мамлакат таълим тизими соҳасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида янги-янги дастурлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалар, кўргазмали куроллар яратиш борасида вазифалар изчил ва тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Бунга Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури», Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низоми, «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-сонли қарори мамлакатимизнинг ривожланиши, эътиборга сазовор бўлиши, келажак авлодни янада ўқимишли, ҳар томонлама билимдон қилиб тарбиялашни талаб қилади.

Жамиятнинг маънавий янгиланишидан кўзланган бош мақсад – юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлигига эришиш, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик ва миллатлараро тотувлик, диний бағрикенгликдан иборат экан, мустақиллик йилларида динга янгича қараш ва муносабат натижасида биз учун нисбатан янги диншунослик фани вужудга келмоқда. Шу сабабдан, мазкур фан бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш зарурияти муҳим масалага айланди.

Таълим муассасаларида диншунослик фанини ўқитишдан асосий мақсад – ўқувчи ёшларга дин, диннинг келиб чиқиши, унинг тараққиёти, инсоният ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий тушунчалар беришдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг дин ўзбек халқининг маънавий мероси, кадриятлари, миллий истиқлол ғояси ҳақидаги

фикр-мулоҳазалари, чуқур илмийлик, тарихийлик, холислик тамойиллари асос қилиб олинди.

Диншуносликнинг асосий фанлар қаторида ўқитилиши Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг шарофати эканлиги, дин, диндорлар ва диний ташкилотларга нисбатан давлат томонидан адолатли сиёсатнинг ўрнатилиши, виждон эркинлигининг фуқароларга Конституцион кафолатланишини тушунтириш бош мақсадлардан бири қилиб қўйилди.

“Диншунослик асослари” фани бўйича қайтадан тузатиш ва тўлдиришлар киритилган ушбу ўқув дастури академик лицейлар учун мослаб тузилган.

Мавзулар бўйича берилган адабиётлар ўқувчиларда мустақил ишлаш, илмий иш олиб бориш кўникмаларини ҳосил қилиш, билим доирасини кенгайтиришга бевосита хизмат қилади.

“Диншунослик асослари” фанининг мақсади ва вазифалари

Ўқувчи ёшларга жамият ва инсон маънавий ҳаётининг муҳим таркибий қисми бўлган дин ва унинг таълимоти, тарихи тўғрисида илмий-назарий тушунчалар бериш, уларни диний бағрикенглик руҳида тарбиялашдан иборат.

Ёшларда дин ва унинг турли шакллари, таълимоти, йўналиши ва оқимлари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган дунёқарашни шакллантиради.

Шунингдек, фуқароларнинг фаолияти виждон эркинлигига доир қонун талабларига мувофиқ эканлиги ҳамда эътиқоди соғлом шахс маънавиятида миллий ва диний қадриятлар уйғунлигининг ўзига хос жиҳатларини ёшлар онгига сингдиради. Бунда қуйидаги омиллар муҳим аҳамият касб этади:

- дин, унинг моҳияти ва мазмуни, эзгулик ғоялари билан талабаларни қуроллантириш;
- диний қадриятларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлар билан муштарак жиҳатларини таҳлил қилиш орқали диний эътиқод ва ҳис-туйғуларга ҳурмат руҳини тарбиялаш;
- диндан сиёсий мақсадларда фойдаланиш, экстремистик ва террорчилик жиноятларини ниқоблашнинг реакцион моҳиятини фойда этиш;
- юртимизда виждон эркинлигининг кафолатланиши, маърифий исломнинг ривожланиши учун яратилган шарт-шароитлар билан ёшларни таништириш ва ҳоказо.

Ўқувчилар қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари зарур:

- динларнинг ҳаётбахш ва эзгулик моҳияти эканлигини англай олиши;
- динлараро мулоқот маданиятига оид бўлган тажриба ва кўникмага эга бўлиши;

- диний ва миллий қадриятларнинг мазмун-моҳиятини англаши;
- барча динларни ҳурмат қила олиши;
- барча дин вакилларига хайрихоҳ бўлиши;
- дин маънавиятнинг асосларидан бири эканлигини ҳис этиши;
- диний бағрикенглик тамойилларини ўзида шакллантириши лозим.

Қуйидаги малакаларга эга бўлишлари керак:

- диний ва миллий қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳамда урф-одат ва анъаналарни қадрлаш маданиятини тўғри талқин қилиши;
- барча динларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиши;
- тарихий, маданий ва маънавий меросни асрай олиши;
- аждодлар илмий-маънавий асарларини ўрганиши ва тадқиқ этиши;
- динлараро бағрикенглик маданияти ҳақида ўзаро фикр алмашув, мулоқот ўтказишни билиши керак.

“Диншунослик асослари” фанидан ўқув режаси

№	Мавзу	Соат
1.	“Диншунослик асослари” фанига кириш	2
2.	Диннинг ибтидоий шакллари	2
3.	Миллий динлар. Яҳудийлик	2
4.	Ҳиндуйлик	2
5.	Конфуцийлик	2
6.	Зардуштийлик	2
7.	Буддавийлик	2
8.	Христианлик	2
9.	Ислом	2
10.	Ислом таълимоти	2
11.	Ислом манбалари. Қуръони Карим.	2
12.	Ислом манбалари. Ҳадиси шариф	2
13.	Исломдаги оқимлар: хаворижлар, шиалар, муътазилийлик	2
14.	Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқоди. Калом илми. Мотуридия, ашъария	2
15.	Фикҳий мазҳаблар: ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ханбалийлик	2
16.	Тасаввуф	2
17.	Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлиги	2
	Жами	34

“Диншунослик асослари” фани бўйича маъруза мавзулари

1-мавзу. “Диншунослик асослари” фанига кириш

(2 соат)

“Диншунослик” курсининг предмети, вазифалари ва мақсади. Дин тушунчаси ва унинг вазифалари.

Диннинг тарихийлиги масаласи. Динларнинг таълимотига кўра бўлиниши. Диний бағрикенглик масаласи. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда динга янгича қараш ва муносабатлар. Ислом ва бошқа динлар. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Асосий тушунчалар: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, диннинг ижтимоий, маънавий, руҳий вазифалар ҳамда компенсаторлик, интеграторлик, регуляторлик, легитимловчилик вазифалари, фалсафий, назарий вазифалар, тотемизм, анимизм, магия, уруғ-қабила динлари, миллат динлари, яҳудийлик, ҳиндуийлик, конфуцийлик, синтоизм, жаҳон динлари, буддавийлик, христианлик, ислом, монотеистик, политеистик динлар.

2-мавзу. Диннинг ибтидоий шакллари (2 соат)

Диний онг асосларининг шаклланиши. Авесто, Таврот, Инжил, Қуръони Каримда инсониятнинг яратилиши ҳақида. Дафн этиш жараёни, ов қилиш. Ибтидоий дин шакллари. Тотемизм, анимизм, шомонлик ёки сеҳргарлик (афсун. магия), фетишизм. Ибтидоий мифология. Неолит давридаги диний тасаввурлар.

Асосий тушунчалар: Авесто, Таврот, Инжил, Қуръони карим, Ахурамазда, Яхве, Ота худо, Аллоҳ, кўмишдаги махсус маросимлар, тотемизм, Ожибва қабиласи, аборигенлар, Табу, анимизм, шомонлик, сеҳргарлик, магия, ритуал ҳаракатлар, ёвуз афсунгарлик, ҳарбий афсунгарлик, севги афсунгарлиги, тиббий афсунгарлик, об-ҳаво афсунгарлиги, фетишизм, бут, санам, тумор, худолар, меҳроб, черков, ҳайкаллар, фаол башорат, неолит, палеолит, фолбин.

3-мавзу: Миллий динлар. Яҳудийлик (2 соат)

Яҳудийликнинг вужудга келиши. Бани Исроил халқи. Абара-еврей-яхудий. Ибрийлар. Иброҳим, Исҳоқ, Ёқуб, Юсуф силсиласи. Қуръондаги Юсуф сураси. Бани Исроил қавми тарихи. Яҳудийлик таълимоти. Оламларнинг яратилиши. Яҳудийлик манбалари – Таврот ва Талмуд. Манбалар таҳлили. Яҳудийликдаги оқимлар. Қадимий оқимлар – садуқийлар, фавзийлар, есейлар. Замонавий оқимлар – массонизм, сионизм. Яҳудийлик маросимлари ва байрамлари. Ўрта Осиёга яҳудийликнинг тарқалиш тарихи.

Асосий тушунчалар: Яҳудийлик дини, яккахудолик, Фаластин, миллат дини, Абу Райҳон Беруний яҳудийлик ҳақида, Бани Исроил, Яқуб пайғамбар, ибрийлар, Месопотамия, Дажла ва Фурот дарёлари, Арабистон

ярим ороли, Куръони Каримдаги “Юсуф” сураси, Яхвега имон келтириш, яхудий халқлари, Мессия, Синион тепалиги, Охират кунига ишониш.

4-мавзу. Ҳиндуийлик (2 соат)

Ҳиндуийлик динининг келиб чиқиши. Ҳиндуийлик Ҳиндистондаги асосий диний эътиқодлардан бири. Каста тузумининг шаклланиши. Ҳиндуийликнинг ведизм ва брахманликдан фарқи. “Махабхарата” – муқаддас ёзув. Ҳиндуийликдаги Брахма, Вишну, Шива худолари учлиги. Брахма дунёни яратган худо. Шива халқ оммаси худоси. Шиваизмдаги оқимлар. Вишну-куёш худоси. Вишнуизмдаги урф-одатлар. Ҳиндуийликдаги байрамлар.

Асосий тушунчалар: Ҳиндуийлик, брахманлик, диний қоришма, гуру, беш қоида, Махабхарата, тримурти-учлик, Брахма, Вишну, Шива, ишвачилар, смартлар, дандилар, линга, йоглар, пантеон, Рамайна, вишнуизм байрамлари.

5-мавзу. Конфуцийлик (2 соат)

Конфуцийнинг ҳаёти, ижтимоий-тарихий вазият. Конфуций – дин асосчиси. Конфуций таълимоти. Конфуцийнинг фалсафий қарашлари. Сяо таълимоти конфуцийчиликнинг асоси. Ли қонунлари. Конфуцийликда оила ва никоҳ тушунчаси. Таълимотнинг Хитойда тарқалиши ва давлат мафкураси даражасига кўтарилиши. Конфуций номининг илоҳийлаштирилиши. Конфуцийга “князь”, “император”, “энг ҳақиқий донишманд”, “миллатларнинг улуғ устози” унвонларининг берилиши.

Асосий тушунчалар: Конфуцийлик, ижтимоий муҳит, Конфуций таълимоти, фалсафий қарашлар, Цзюн-цзи, комил инсон, Лунюй, Сяо таълимоти, Сяо ва Ли, Ли қонунлари, Хан сулоласи, Чжоу, Ин, Цуйфу, Хан подшоҳи, Лю Бан, қурбонлик, князлик, императорлик, “энг ҳақиқий донишманд”, “миллатларнинг улуғ устози”.

6-мавзу: Зардуштийлик (2 соат)

Зардуштийлик таълимотининг вужудга келиши. Муқаддас китоб Авестодаги “Маздаяна” дини. Бехдин – энг яхши дин. Зардушт ватани. Зардуштийлик таълимоти. Ахурамазда ва Ахриман. Авесто – зардуштийликнинг асосий манбаси. Авестонинг таркибий қисмлари – Видевдат, Ясна, Виспарт, Яшт. Зардуштийлик ва ҳозирги замон.

Асосий тушунчалар: Зардуштийлик, Зардушт, Мидия, Ахурамазда, Ахриман, сув, олов, ер, ҳаво, фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги, Видевдат, Ясна, Виспарт, Яшт.

7-мавзу. Буддавийлик (2 соат)

Буддавийлик – жаҳон дини. Буддавийлик асосчисининг шахси. Буддавийлик таълимоти. Буддавийликнинг тарқалиши. Буддавийликнинг Хитойга кириб келиши. Буддавийлик манбалари. Ўрта Осиёда буддавийлик. Буддавийлик оқимлари ва йўналишлари. Хинаяна йўналиши. Махаяна йўналиши. Цзинту йўналиши. Тяньтай ёки Тендай йўналиши. Тантризм. Чань-буддавийлик.

Асосий тушунчалар: Сиддхартха Гаджама, Будда, Малика Майя, Яшадхара, Рахила, Тришна, Варанаси, диний фалсафий таълимот, варна, медитация, ахлоқ нормалари, донишмандлик, нирвана, буддавийликка мансуб худолар, буддавийлик манбалари, Трипитака, сутра, махаяна.

8- мавзу. Христианлик (2 соат)

Христианлик дини – жаҳон динларидан бири. Бу дин асосчиси бўлган Исо Масих шахси ва ҳаётига доир илмий баҳслар. Христиан динига эътиқод қилувчиларнинг дунё аҳолисининг 1/3 қисмини ташкил этиши. Христианлик таълимоти. Ота-худо, ўғил-худо, муқаддас Рух. Христианликдаги оқимлар-православ, католик, протестантлик. Оқимларнинг ўзига хос хусусиятлари, фарқлари.

Асосий тушунчалар: Исо Масих, христианлик, Инжил, христианлик манбалари, апостол, назарет, мессия, эътиқод тимсоли, Рим папаси, Истамбул патриархи, епархия, архиепископ, православ, католик, протестантлик, Мартин Лютер, черков байрамлари, руҳоний, диякон, Ота-худо, эҳром.

9-мавзу. Ислом (2 соат)

Ислом – жаҳон динларидан бири. Ислом таълимоти ва рукнлари. Муҳаммад (а.с) ҳаёти. Набий ва Расул истилоҳларининг маъноси. Каъба ва унинг тарихи. Ислом дини – ҳаёт фалсафаси.

Асосий тушунчалар: Ислом, дин, имон, намоз, закот, рўза, ҳаж, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ, Қуръон, ҳадис, Каъба, набий, расул, араблар, қурайшийлар, Макка, Мадина, даъват, мусулмон.

10-мавзу. Ислом таълимоти (2 соат)

Ислом истилоҳининг маънолари. Муҳаммад алайҳиссалом – сўнгги пайғамбар. Исломда набий ва расул тушунчалари. Ислом динининг беш аркони. “Имон” сўзининг луғавий маъноси ва унинг етти шарти. Намоз – ислом устунларидан бири. Закот ва унинг талаблари. Рўза – руҳий ва жисмоний покланиш. Ҳаж амаллари.

Асосий тушунчалар: Ислом, таълимот, набий, расул, пайғамбарлар, беш аркон, имон, шартлар, борлик, бирлик, фаришта, илоҳий китоблар, охират, қайта тирилиш, намоз, закот, рўза, ҳаж, амаллар, сўнгги пайғамбар, саҳифа, бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон, рамазон.

11-мавзу. Ислом манбалари. Қуръони карим (2 соат)

Ислом манбалари тушунчаси. Ислом манбашунослиги фани. Қуръони карим – муқаддас, илоҳий китоб. Суралар ва уларнинг нозил бўлиш тарихи. Илк сура. Сураларнинг нозил бўлишига кўра тақсимланиши. Қуръоннинг “сухуф” ҳолатига келтирилиб жамланиши. Халифа Усмон ибн Аффон даврида Қуръоннинг китоб ҳолига келтирилиши. Тошкентдаги Усмон мусҳафи ва унинг тарихи. Қуръоннинг қўлёзма ва нашрлари. Қуръон

илмларининг таракқиёти. Қуръон – адабий, тарихий манба сифатида. Қуръон таржималари.

Асосий тушунчалар: Манба, манбашунослик, Қуръони Карим, илоҳий китоб, сура, оят, нозил бўлиш, қўлёзма, тошбосма, тафсир, мусҳаф, суҳуф, ваҳий, пора, маккий суралар, маданий суралар, халифалар Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, қуръон илмлари, адабий манба, тарихий манба, таржима.

12-мавзу. Ислом манбалари. Ҳадиси шариф (2 соат)

Ҳадиси шарифлар исломнинг асосий манбаларидан бири сифатида. Ҳадис сўзининг луғавий маъноси. Ҳадислар ислом динининг Қуръондан кейинги иккинч манбаси. Ҳадисларни ўрганиш ва йиғиш. Ҳадис тўпламларининг вужудга келиши. Сихоҳи ситта. Имом ал-Бухорий ва унинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари. Имом ал-Муслимнинг “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асари. Имом ат-Термизийнинг “Сунан” асари. Имом Абу Довуднинг “Китобу-с-сунан” асари. Имом ан-Насоийнинг “Сунану-л-кубро” асари. Имом ибн Можанинг “Сунан” асари. Ҳадис илмининг шаклланиши.

Асосий тушунчалар: Ҳадис, ҳадис ал-қудсий, ҳадис ан-набавий, ровий, иснод, муҳаддис, сунна, Имом ал-Бухорий, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”, Имом ал-Муслим, “Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ”. Имом ат-Термизий, “Сунан”, Имом Абу Довуд, “Китобу-с-сунан”, Имом ан-Насоий, “Сунану-л-кубро”. Имом ибн Можа, “Сунан”, саҳиҳ ҳадис, заиф ҳадис, саҳоба, тобеъин, мужтаҳид, ҳадисшунослик марказлари.

13-мавзу. Исломдаги оқимлар: хаворижлар, шиалар, мўътазилийлик (2 соат)

Ислом оламида фирқаларнинг пайдо бўлиши. Халифа Усмон даврида фитналарнинг уюштирилиши. Шомда Муовия ва Али ўртасидаги Сиффин жангининг бўлиб ўтиши. Исломда хавориж ва шиа оқимларининг вужудга келиши. Хаворижларнинг таълимотлари. Шиалик. Шиаликда имомат масаласи. Шиалик оқимининг фирқалари. Зайдия, Исна ашария, Қирмития, Нусайрия, Фотимия, Жаъфария, Исмоилия, Друзлар, Оғахонийлар, Бобийлар, Баҳойлик, Муътазилийлик. Фирқа асосчиси Восил ибн Атонинг шахси ва ҳаёти. Мўътазилийлик таълимоти. Ақлнинг нақлдан устун қўйилиши.

Асосий тушунчалар: Оқим, фирқа, хавориж, шиа, ибодия, азракӣй, суфрия, наждия, Али, имомат, аҳл ас-сунна, зайдия, исно ашария, имом Маҳдий, қирмитийлар, нусайрия, фотимия, жаъфария, исмоилия, друзлар, оғахонийлар, бобийлар, баҳойлик, мўътазилийлик.

14-мавзу. Аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқоди. Калом илми. Мотуридия, ашъария (2 соат)

Суннийлик – исломнинг асосий йўналишларидан бири. Суннийларнинг мусулмон аҳолисининг 92,5 % ни ташкил этиши. Суннийликда фикҳий ва ақидавӣй мазҳаблар. Калом илми тушунчаси. Мутакаллимлар ва файласуфлар. Калом илмининг шаклланиши.

Суннийлик эътиқодидаги икки ақидавӣй йўналиш. Мотуридия ва Ашъария. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий – мотуридия таълимотининг

асосчиси. Мотуридийнинг илмий мероси. Абу-л-Хасан ал-Ашъарий шахсияти ва фаолияти. Ашъария таълимоти. Мотуридия ва ашъария таълимотларининг қиёси.

Асосий тушунчалар: Суннийлик, мазҳаб, ақида, калом, мутакаллим, фалсафа, казо ва қадар, сунна, ақл, Аллоҳнинг сифатлари, оқимлар, ажам халқлари, қиёмат, қайта тирилиш, суннийлик, мотуридия, ашъария, ақида, эътиқод, таълимот, калом, ақл ва нақл, мотуридия мактаби, мотуридия таълимоти манбалари, ашъария таълимоти намояндалари, калом илми, ақида мактаби.

15-мавзу. Фикҳий мазҳаблар: ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик (2 соат)

Ислом динидаги фикҳий мазҳаблар. Фикҳнинг минтақавий мактаблари. Мужтаҳид Абу Ҳанифанинг ҳаёти ва фаолияти. “Усулу-л-фикҳ” ва “Фуруъу-л-фикҳ” тушунчалари. Фикҳ соҳасида ёзилган илк асарлар. Имом Молик шахси ва унинг “Муватто” асари. Имом Шофиъий шофиъий мазҳабининг асосчиси. Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳукукий қарашлари. Ҳанбалия ва ҳадис илми. “Асҳобу-р-рай” ва “Асҳобу-л-ҳадис”.

Асосий тушунчалар: Фикҳ, фақиҳ, фикҳий мазҳаблар, ҳанафийлик, моликийлик, шофеъийлик, ҳанбалийлик, усулу-л-фикҳ, фуруъу-л-фикҳ, асҳобу-р-рай, асҳобу-л-ҳадис, саҳобалар, тобеъинлар, мужтаҳидлар-табаъа тобеъинлар.

16-мавзу. Тасаввуф (2 соат)

Исломдан аввалги мистик оқимлар. Исломнинг илк давридаги тасаввуфий оқимлар. Суфийлик-мистик аскетик оқим. Суфий ва мутасаввуф. Суфийликнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши. Яссавий тариқати. Нақшбандия тариқати. Нақшбандия таълимотининг асослари ва тамойиллари. Кубравия тариқати. Суфийлик манбалари.

Асосий тушунчалар: Суфий, тасаввуф, тариқат, “аҳлу-с-суффа”, зоҳидлик, мақомат, фано, бақо, яссавийлик, зикр, увайсийлик, шариат, ҳақиқат, маърифат, тамойил, нақшбандийлик, кубравийлик, фақр, ризо, сабр, солиқ.

17-мавзу. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида виждон эркинлиги (2 соат)

Ўзбекистон Республикасида дин ва диний ташкилотлар. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг қонун йўли билан кафолатланиши. Виждон эркинлиги-диний эътиқод эркинлиги. Виждон эркинлигининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланиши. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири. Ўзбекистондаги диний конфессиялар.

Асосий тушунчалар: Виждон эркинлиги, диний ташкилотлар, диний эътиқод эркинлиги, мустақиллик ва дин, дунёвий давлат, ибодат, Конституциянинг 31-моддаси, черков, синагога, диний қадриятлар, секта.

Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.:, “Ўзбекистон”, 2001.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.:, “Адолат”, 1998. 224-234-бетлар.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.:, 1992.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.:, 1996.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.:, 1997.
6. Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. –Т.:, 1999.
7. Каримов И. А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. –Т.:, “Ўзбекистон”, 2000.
8. Ўзбекистон эркинлиги қонуний асосда бўлсин. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис ХІ сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5-май.
9. Каримов И. А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.:, “Шарқ”, 1998.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Т.:, “Маънавият”, 2008.
11. Каримов И.А. Ўнг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини ақс эттириш. – Т.:, “Ўзбекистон”, 2009.
12. Азимов А. Ислам ва ҳозирги замон–Т.:, 1992.
13. Ал-Бағдодий. Ал-Фарқ байн ал-фирак. Қоҳира.
14. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Изб. труды. Т III. –М.:, 1965.
15. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар, I том. –Т.:, 1968.
16. Беруний Абу Райҳон. Танланган асарлар. V том. –Т.: 1973.
17. Библия. –Москва: 1997.
18. Большаков О.Г. История халифата. 1-3 части. -М.:, 1989-1998.
19. Имом ал-Бухорий. Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ (4 жилдлик). Қомуслар бош таҳр., –Т.:, 1991-1993.
20. Имом ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад. –Т.:, 1990.
21. Васильев А.С. История религий Востока–М.:, 1997.
22. Васильев Л. С. Культы, религии, традиции в Китае. –М.:,1970.
23. Винничук Л. Люди, нравы, обычаи Древней Греции и Рима. –М.:, 1988.
24. Грязневич П.А. Коран в России (изучения, переводы и издания). –М.:, 1984.
25. Диншунослик. Маърузалар матни. –Т.:, 2000.
26. Жўраев У. Саиджонов Й. Дунё динлари тарихи. –Т.:, 2001.
27. Закои Қўнрапа. Пайғамбаримиз ва ашараи мубашшара. Биринчи китоб. Макка даври. А.Холмурод таржимаси. –Т.:, 1995.

28. Иброҳимов Н. Ўрта аср араб халқ адабиёти. –Т.:, “Фан”, 1994.
29. Ислам: энциклопедический словарь. –М.:, 1991.
30. Исҳоқов М. М. Халқ даҳосининг қадимги илдишлари ва илк куртаклари(Зардуштийлик, Зардушт ва “Авесто” ҳақида) // “Тил ва адабиёт таълими” журнали, 1993. № 2.
31. Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. –Т.:, 1993.
32. Кейпер Ф.Б.Я. Труды по ведийской мифологии. –М.:, 1986.
33. Климович Л.И. Содержание Корана. –М.:, 1929.
34. Климович Л.И. Книга о Коране, его происхождении и мифологии. –М.:, 1988.
35. Крачковский И.Ю. Перевод Корана и комментарии. –М.:, 1963.
36. Кривилев И. А. История религий. –М.:, 1989.
37. Мунавваров З. Организация Исламской Конференции. // Маяк Востока. –Т.:, 1996.
38. Ал-Мавсуа ал-муяассара фи-л-адйон ва-л-мазоҳиб ал-муосира. Ар-Риёд, 1988.
39. Мансуров А., Жўраев У., Лафасов М. Ҳадис илми сабоқлари. –Т.: 1999.
40. Маҳмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. –Т.:, 1998.
41. Мень А. История религии. –М.:, 1994.
42. Религиозные традиции мира. В 2-х томах. –М.:,1996.
43. Ригведа. Мандалы I-IV. –М.:, 1989.
44. Саблукова Г.С. Перевод Корана. –Казань.:, 1877.
45. Снесарев А.Е. Этнографическая Индия. –М.:, 1981.
46. Струве В.В. Родина зароастризма // Советское Востоковедение, Москва-Ленинград, 1948.
47. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий (А.Абдулло таржимаси)., –Т.:, “Ғ.Ғулом”, 1993.
48. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия. Сайид Маҳмуд Тарозий-Олтинхонтўра таржимаси. –Т.:, 1991.
49. Токарев С. А. Религия в истории народов мира. –М.:, 1987.
50. Три великих сказаний древней Индии. –М.:, 1978.
51. Усмон Кески ўғли. Ҳазрати пайғамбар ҳаёти. –Т.:, 1997.
52. Усмонов М. Қуръони карим ва жаноби Расулуллоҳнинг амаллари. –Т.:, 1992 .
53. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. –Т.:, 1995.
54. Уватов У. Муҳаддислар имоми. –Т.:, 1998.
55. Усмон Турар. Тасаввуф тарихи. –Т.:, 1999.
56. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ. и примеч. –М.:, 1994.
57. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. –М.:, 1990.
58. Шариев В.А. Даосская йога. –Бишкек.:, 1993.
59. Шифман И. Ш. Ветхий завет и его Мир. –М.:, 1987.
60. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.:, 1992.
61. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т.:, 1992.
62. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом. Жоҳилия асри. –Т.:, 2001.